

РАНГ ТАСВИР МАШҒУЛОТЛАРИ ЖАРАЁНИДА ПОРТРЕТ ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ўғилой Худойназарова,

А.Қодирий номидаги ЖДП Институтининг

“Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси”

кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлаш ва рангтасвирда портрет ишлаш машғулотларини самарали ташкил этиш борасида сўз боради. Талабаларга рангтасвирда портрет ишлаш машғулотларида замонавий педагогик технологияларини қўллаган ҳолда дарс ўтиш борасида амалий маслаҳатлар берилади.

Аннотация : В статье рассматриваются вопросы профессиональной подготовки будущих учителей изящных искусств и эффективной организации занятий по портретной живописи. Студентам будут даны практические советы по обучению портрету с использованием современных педагогических технологий.

Annotation: The article deals with the professional training of future teachers of fine arts and the effective organization of portraiture classes in painting. Students will be given practical advice on teaching using portraits in painting, using modern pedagogical technologies.

Калит сўзлар: Рангтасвир, композитсия, реалистик, инновацион, жанр, колорит, пластик анатомия, перспектива,

Тасвирий санъатда портрет - инсон образини яратишда энг мураккаб жанр ҳисобланиб, бу жанрнинг келиб чиқиши, узоқ ўтмишга бориб такалади. Эрамиздан аввалги I-III асрларда қадимги Мисрдаги Файюм шаҳарчасидан рангтасвирнинг мум усулида бажарилган портрет расмлар топилган. Бу жанрда Шарқнинг буюк мусаввири Камолиддин Бехзод ва унинг шогирдлари Маҳмуд Музаҳҳих, Қосим Али ҳамда бошқалар рангтасвирнинг миниатюра услубида самарали ишлаганликлари тарихдан маълум. Улар портрет асарларида замондошларнинг гўзал қиёфасини образларини яратиб, кейинги авлодларга мерос қилиб қолдирган.

Ҳар хил тарихий давр рассомлари портрет санъатининг вазифасини турлича тушунишган. Буни ўша даврга таалукли бадиий тасвирлаш материалларининг нозик томонлари имкониятидан қай даражада фойдалана олганлиги ва ўзлаштирган билимларига қараб, ўхшашлик хусусиятларига таянган ҳолда, тасвирнинг шартлилиги асосланган ўз даврининг буюк, илғор намоёндалари образларини яратиши мисолида кўриш мумкин.

Масалан, қадимги Грецияда мимика ва кўз қарашлари жонсиз портретлар ишланган бўлса, Рим рассомлари декоративлик билан уйғунлашиб кетган реалистик усулда аниқ характер ва психологик хусусиятларга образлар яратишган.

Юксак даражада бажарилган, жозибадор образлар тасвирланган диний мавзулардаги асарларни биз черковлар учун ишланган деворий расмларда учратамиз. Аниқ одамлар тасвири ҳам икона рамзлари бўлиб, шу билан бирга уларда инсонларнинг ички дунёси, руҳияти ўз аксини топиб туради.

Уйғониш даврида инсонларнинг дунёқараши санъатдаги вазифалар ўзгариши; пластик анатомиянинг илмий асослари ва перспектива қонунларининг ўзлаштирилиши натижасида маънавий идеаллар ҳам ўзгара борди. Бу вақтда туслар уйғунлиги деб номланган янги ранглар уйғунлиги тизими вужудга келди. У рассомлар олдида портрет ишлашдаги реалистик мазмунни бера олиш имкониятини туғдирди. Бу билан уйғониш даври педагогикаси ҳам, асосида кўз қарашлари қабул қилишининг оптик қонунлари ётадиган, кўпинча реалистик портретнинг тузилиши ва характерини белгилайдиган, моделни аниқ ва ишонарли ифодалашга йўналтирилган тасвирлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиб, янги ғояларни олдинга сурди.

Баракко рангтасвирчилари портретга ўзига хос тасирга эга бўлган ёруғликдан кенг фойдалана бошлашди. Бу усул эса бутунлай натурадан ишлаш усулига таянадиган, портретдаги ҳар хил ҳиссиётли ҳолатларни портрет рангтасвирининг ўйнақароқ рангларга бой бўлишига ўз таъсирини ўтказди.

XVIII асрга келиб портретда инсоннинг ички дунёси ташқи қиёфасидан ажралиб, аристократлар ва сарой аъёнлари портретларида уларнинг ички дунёси очиб берилмай балки ташқи ясама кўринишлари катта аҳамиятга эга бўлади. Эски рангтасвир мактаби натура шакли ва материални тасвирлашда ўзининг юқори чўққисига етди.

XIX асрнинг 70 - 80 йилларида ижод қилган рассомларда эса портрет санъатига бошқача ёндашишни кузатиш мумкин. Бу йўналишда ижод қилган рассомлар натурадан рангтасвир кўринишларини декоратив тасвирловчи, ўша пайтнинг энг яхши колористлари ҳисобланган рус рангтасвир мактабининг тарбияланувчилари М.А. Врубел, К.А. Коровин, Б.М. Куцодиев ва бошқалар эди. XIX аср охирларида бутун Рус тасвирий санъатининг ижтимоий – психологик анъаналари асосида тарбияланган В.А. Серовнинг портретлари бутун рус санъати учун муҳим ҳодиса бўлди.

XIX асрга келиб тасвирланаётган шахсдаги ўзига хос, қайтарилмас хусусиятлари, шахсиятнинг атроф - муҳит билан боғлиқлик томонларини очиб берадиган реализм усули портретдаги образлар характерини бутунлай ўзгартирди. Рассомлар ўзаро рақобатлашиб, рангтасвирдаги образлар эчимининг янада жозибали, мафтункор, нозик томонларини топиш учун ҳар доим тарихдаги барча рангтасвир тизимини қайтадан ўрганиб янги воситалар устида тинмай изланишлар олиб боришарди. Импрессионистларнинг ишлари эса рангтасвирда янги йўналишнинг кашф этилишига сабаб бўлди. Натижада портрет рангтасвирида ранглар уйғунлиги ва жозибадорлиги билан боғлиқ бизнинг давримизгача этиб келган мураккаб муаммони юзага келтирди. Импрессионистларнинг янгича рангларни қабул қилиш маданиятида, тасвирланаётган инсон обектини ҳаво ва қуёш нурлари орқали ранглар жилосида кўриб, ёруғлик ва ҳаво, рангларнинг рефлекслари, қарама қаршилигининг ўзаро уйғунлигини ҳис этишга асосий диққат эътибор қаратилди.

Рус рангтасвирида инсон шахсиятининг бадий жихатларини гавдалантира оладиган янги тушунчалар портрет жанрини юқори даражага кўтарди. Портретчи рассомлар инсон шахсияти хусусиятлари, ўзига хос характерини чуқур ўзлаштирдилар, лекин композициядаги ҳаракатни, маҳаллий колоритни бера олиш, декоратив текисликларни талкин қилиш ва бадий тасвирлаш тилини ўзлаштиришга анча қийналар эдилар. Шунга қарамай рассомлар тана тузилиши, юз ифодасини яхши тушунганлар ва тўғри тасвирлай олганлар, тасвирланаётган портретнинг ташқи кўриниши ва жамиятдаги ўрнини ифодалашга уринганлар, бу эса ўз ўрнида реалистик анъаналарнинг ривожланаётганлиги ва мустаҳкамланиб бораётганлигидан дарак беради.

Маълумки, инсон портретини тасвирлашда, уни жонли тарзда шакллантиришда пластик анатомияга оид маълумотларни мукамал билишлари лозим.

Ҳозирги пайтда тасвирий санъатга таалуқли барча ўқув юртларининг ўқув дастурида ҳам портрет ишлаш машғулотларига бўлган эътибор назардан четда қолган эмас. Талабаларга портрет чизишни ўргатишдан асосий мақсад, замондош инсонлар, тарихий шахсларнинг гўзал ва такрорланмас, ҳар бир кишининг ўзига хос ташқи қиёфаси, характери, ички дунёсини очиб берувчи қиёфаларини жонли ва ишонарли акс эттиришни, улардаги қоғоз ёки матоларда ҳар хил тасвирлаш воситалари орқали ифодалаш кўникмаларини ривожлантириш, касбий малакаларини оширишдан иборат. Шундай экан

талабалар тасвирий санъатнинг бу жанрини ўрганишига нисбатан алоҳида эътибор ва диққатни қаратиш, портрет ишлашда замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш ҳамда амалий машғулотлар жараёнига тадбиқ этиш ҳозирги пайтда ҳам актуал муаммо бўлиши керак.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар (инновацион педагогик ва ахборот технологиялари) дан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар қўлланилган машғулотлар талабалар эгаллаётган билимларни ўзлари кидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига қаратилган. Ўқув тарбия жараёнида педагогик технологияларнинг тўғри жорий этилиши ўқитувчининг бу жараёнда асосий ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади. Бу эса талабадан кўпроқ мустақилликни, ижодни ва иродавий сифатларни талаб этади.

Машғулот қуйидаги тартибда олиб борилади.

- Рангтасвирда портрет ишлаш учун қиёфачи ҳолати танланади.
- талабалар 3 тадан 3 гуруҳга бўлинади
- машғулотни ўтказиш учун қўйилган талаблар ва қоидалар талабаларга таништирилади
- 30 дақиқа ичида талабалар қўйилманинг тезкор ранглавҳасини ишлаб бўлишлари керак.
- ўқув қуроллари билан таминланганлиги ўқитувчи томонидан кузатиб чиқилади.
- портретни ишлашда эътибор беришлари керак бўлган қонун-қоидалар (жойлаштириш, соя, ёруғ, рангларнинг топилиши, қиёфачининг қай даражада ўзига хос характери ранглар орқали ифодаланиши ва ҳ...) айтиб ўтилади.
- ҳар бир гуруҳ талабалари яқка ҳолда портретни ишлашади.
- чизиш учун вақт фурсати этгандан сўнг ишлаш тўхтатилади ва ишлар бир томонга қўйиш таклиф қилинади.
- гуруҳдан ташқари қолган талабалар орасидан 3 киши ўқитувчи томонидан танлаб олинади ва улар чизилган ишларга ўз муносабатини, ютуқлари ва камчиликлари ҳамда энг яхши ишланган ишни топишлари сўралади.
- жамоа фикрлари ўқитувчи томонидан умумлаштирилади. Ҳар бир ишланган иш таҳлил қилинади ва ютуқ ва камчиликлар айтилади ҳамда 1, 2,

3-ўринлар аниқланади, шу билан бирга талабалар баҳоланиб, машғулот яқунланади.

Шу тарзда машғулот ўтказишнинг қулайлик томонлари шундан иборатки, бунда талабаларнинг ижодий фаоллиги ошади, энг муҳими ранглавха ишлашдаги тезкор фикрлаш ва бажариш кўникмалари ривожланади.

Педагогик технология услубларидан унумли фойдаланган ҳолда, рангтасвирда портрет ишлаш машғулотларини ташкил қилишда, замонавий кампьютер технологиялари орқали ижодкор рассомларимизнинг ижод намуналари ва «маҳорат дарслари» акс эттирилган видео роликларни кўрсатиш билан талабалардаги ижодга бўлган қизиқишлари ва малакаларини янада оширишимиз мумкин. Бундан ташқари машғулотлар жараёнида ўз ишларини баҳолаш меъзонини жорий қилишимиз мумкин. Бунда одатда бир кунлик рангтасвир машғулоти (4 соат) охирида, машғулот тугашига 10 минут қолганда, талабалар бажарган ишларини бир томонга териб қўйиш таклиф қилинади ва ҳар ҳафта навбати билан талабалар орасидан 3 кишилик гуруҳ тузилиб, уларга гуруҳ талабалари бажарган ишга ўз муносабатларини билдириб, хато камчиликларини кўрсатишларини таклиф қилинади. Шу йўсинда талабалар ўзлари ва гуруҳнинг бошқа талабалари бажараётган ишларни мустақил равишда баҳолашади. Бу билан уларда ўз камчилик ва ютуқларини таҳлил қилиш, ўз фикрига эга бўлиш билан бирга келажакдаги педагогик фаолиятларида асқотадиган ўқувчилари ишларига ҳаққоний баҳо қўя олиш кўникмаларини ҳам ривожланишига сабаб бўлади. Бу ҳолат машғулот учун берилган 4 ҳафта (16 соат) мобайнида портрет ишлашнинг тўрт босқичида қайтарилди. Ҳар бир босқич тугагандан кейин барча талабалар навбатма-навбат бу ишни бажаришади ва ўзлари учун ҳам ишнинг тўғри ёки нотўғри бажарилаётганлигини таҳлил қилиб боришади. Улар ўзлари ўзларига баҳо беришгандан кейин рангтасвир ўқитувчиси уларнинг ишларни баҳолаш вақтида қайси жойларда қандай хато камчиликларга йўл қўйганлиги ҳақида педагог сифатида ўз фикрини билдириб машғулотларга яқун ясайди. Талабалар билан бундай усулда машғулотларнинг ташкил этилиши, уларнинг билимларини янада такомиллаштириб, ўзаро баҳс мунозара орқали олган билимларни таҳлил қилишни ўргатади. Шу билан бирга бундай усулда машғулотлар олиб бориш гуруҳ талабалари ўртасида соғлом рақобатли муҳитни пайдо қилади. Маълумки рақобат бор жойда ўсиш ва ривожланиш бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Костерин Н.П. Учебное рисование.-2-е изд., перераб. – М.: Просвещение, 1994, - 236 с.;
2. Ростовцев Н.Н Учебное рисование. 2-е изд., перераб. – М.: просвещение, 1998, -270;
3. Бойметов Б.Б., Пластик анатомия. Амалий машгулотлар Т. 2011. 5-б